

347
Ю-88

Нигора ЮСУПОВА

«ИСЛОМДА ОИЛА ҲУҚУҚИ»

ўқув-услубий қўлланма

(ташкилий-услубий кўрсатмалар,
маъруза ва семинар машғулотлари режалари,
мустақил иш бўйича услубий кўрсатмалар, тест саволлар)



347
Ю-88

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

Нигора ЮСУПОВА

«ИСЛОМДА ОИЛА ҲУКУКИ»

ўқув-услубий қўлланма

(ташкилий-услубий кўрсатмалар, маъруза ва семинар машғулоти
режалари, мустақил ва бундча услубий кўрсатмалар, тест саволлар)



«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент — 2008

Масъул муҳаррир:
Тақризчилар:

ю.ф.д., проф. А.Ш.Жўзжоний
ю.ф.н., проф. О.Каримова
ю.ф.н., доц. С.Исҳоқов

Ушбу қўлланма ислом ҳуқуқида оилавий муносабатларнинг тартибга солинишига бағишланган. Ўқув-услубий қўлланмада маъруза ва семинар машғулотлари режалари, мустақил таълим бўйича услубий кўрсатмалар, ҳар бир маърузани чуқурроқ ўрганиш учун талабалар билимини синашга мўлжалланган масалалар, тест саволлари, мавзулар юзасидан тавсия этилган адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

Қўлланмадан Тошкент ислом университети Ислам ҳуқуқи мутахассислиги магистрантларига «Исламда оила ҳуқуқи», фанини ўқитишда, шунингдек, хотин-қизлар кўмиталари, Маҳалла жамғармаси, ҳуқуқий маърифий тарғибот марказларида хотин-қизлар орасида олиб борилаётган тарғибот ишларида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Тошкент ислом университети Илмий Кенгашининг 2008 йил 8-сонли қарорига кўра нашрга тавсия этилган.

© “Тошкент ислом университети”
нашриёт-мағбаа бирлашмаси, 2008.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, оила, аёл, она ва бола ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жамият ва давлатнинг уларга нисбатан ғамхўрлиги кун сайин ошиб бормоқда. Чунки жамиятнинг ўчоғи оила экан, унинг саломатлиги, юксак маданиятга эгалиги давлат обрўсини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, жамиятни ривожлантириш учун барча диққат эътибор, энг аввало, оилага қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Республикамиз асосий қонуни-Ўзбекистон Конституциясида оилани жамиятнинг асосий бўғини сифатида давлат муҳофазасида эканлигининг қафолатланиши бежиз эмас.

Маълумки оила ҳаётнинг абадийлигини таъминлайди, ворислар ота-она бошлаган ишни давам этишини амалга оширувчи муқаддас даргоҳ. Бу даргоҳ миллатнинг уруф-одатларини сақлашга кўмаклашади. Шу билан бирга оила, келажакда фарзандлар қандай инсон бўлиб етилишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Оила ҳуқуқи фани никоҳ тузиш, никоҳдагиларнинг ҳуқуқий муносабатларини, ота-она ва фарзандларнинг мулкий ва шахсий мажбурятларини, никоҳни бекор қилиш, унинг оқибатларини ва бошқа оилавий турмуш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Инсонлар маънавий ҳаётида халқнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари ва дини муҳим ўрин эгаллайди. Уларнинг барчаси оилада шаклланади, ривожланади ва авлоддан-авлодга ўтиши таъминланади.

Маънавиятимизнинг ажралмас қисмини ташкил этадиган муқаддас ислом дини, ислом маданияти ва ахлоки собиқ иттифок даврида қоралаб келинди. Унда ижтимоий муносабатларни шариат аҳкомлари асосида тартибга солиниши тенгсизлик, адолатсизликни вужудга келтиради деб баҳоланиб, халқимиз ҳаётидан ислом динини тўлалигича чиқариб ташлашга ҳаракат қилинган. Айниқса, никоҳ ва оила муносабатларини ёритишда шариат аҳкомлари аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини камситувчи, никоҳни тузишда ёки бекор қилинишида аёл хоҳиш-истаклари инobatга олинмаслиги таҳқирланган одатлар мажмуаси деб қаралган.

Оила вужудга келиши асосларидан бўлган никоҳ тузишга аждодларимиз азалдан жиддий муносабат билдирган бўлсалар, бу масала бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Президент Ислом Каримов айтганларидек: «Оила қуриш масаласи ҳар бир инсон ҳаётида-у йигит бўладими, қиз бўладими улкан ҳодиса эканлигини, бу масала шахсий, хусусий доирадан чиқиб, ижтимоий аҳамият касб этишини кенг жамоатчиликга тушунтириб бориш зарур», - оила қуришга ўзбошимчалик ва ўзбилармончилик билан ёндошиб бўлмайди. Чунки оила қуриш масъулиятини англаган киши фарзандлар соғлиги ва тарбиясига жавобгарлигини ҳам ҳис қилади.

Ислом ҳуқуқи нормаларида оилавий муносабатлар Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларгагина эмас, балки асрлар давомида шаклланган, шахс манфаатларини, жамиятнинг ҳар бир аъзосини ва жамоани муҳофаза қиладиган, ёзилмаган қонун ва қоидалар, анъана ва урфлардан ташкил топган одат нормаларига ҳам асосланади.

«Исломда оила ҳуқуқи» фани бўйича ушбу услубий-қўлланма қўйилган ДТС талаблари асосида тузилган. Республикамизда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш ва аждодларимиз қолдирган миллий, диний ва илмий кадриятларни ўрганиб, халқга етказиш мақсадида фикҳ илми соҳасининг ривожланишида малакали фикҳ илмини биладиган мутахассисларни тайёрлашга зарурат катта.

Фанни ўрганишдан мақсад исломда оила тушунчаси; оила ҳуқуқининг асосий принциплари; никоҳ тушунчаси; никоҳ тузиш тартиби; никоҳ шартномаси қонуний бўлишининг шартлари; никоҳ шартномаси субъектлари; субъектлар ёши; субъектларнинг ихтиёрийлиги; никоҳ шартномасида валийларнинг иштироки; никоҳи фузулий; маҳр; гувоҳлар; эр-хотинларнинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари; мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлар; никоҳнинг тугатилиш асослари; никоҳни бекор қилиш турлари ва ҳуқуқий оқибатлари; суд тартибида ажралиш; хуль; идда; никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги; қариндошлик ва уларнинг турлари; боланинг насл-насабини белгилаш; валоят тушунчаси; валийлар ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; валийлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш асослари; ота-она ва болаларнинг мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлари; бегона болани эмизиш ва унинг ҳуқуқий оқибатлари; нафақа таъминоти; фарзандликка олиш; васийлик каби ислом ҳуқуқи нормаларида мустаҳкамланган тартиботларни чуқур ўзлаштиришдир.

Умуман «Исломда оила ҳуқуқи» фанини ўқитишдан мақсад талабаларда ислом ҳуқуқининг алоҳида ва махсус ҳуқуқ тармоғи бўлган

оилавий муносабатлар ҳуқуқи ҳақида маълумот олиш имконини беришдир.

«Исломда оила ҳуқуқи» фани таълим олаётган талабаларда ислом оила ҳуқуқи атамалари ва ислом ҳуқуқининг қонуний оила ҳуқуқи манбаларидан фойдаланиш бўйича асосий кўникма ва маҳоратни шакллантириш учун мўлжалланган.

Кўйилган мақсадлар асосида билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиш учун талабалар қуйидагиларни ўзлаштириши лозим: ислом ҳуқуқи нормаларида ўрнатилган юридик нормаларни ўрганиб, оилавий-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб, никоҳ тузиш тартиби ва шартларини, ҳақиқий бўлмаган никоҳ, эр-хотинлар, ота-оналар, болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, оила аъзоларининг алимент мажбуриятларини, болаларни тарбиялаш шаклларини ўрганиш, ушбу нормалар асосида ётган тамойилларни ўзлаштириш, шунингдек тингловчилар амалда бўлган оила қонунчилигини тўғри мўлжал олишга ўрганиш, оила ҳуқуқи нормаларини маҳорат билан изоҳлаш ва қўллай олиш қобилиятини ривожлантириш, талабаларда оилавий-ҳуқуқий муносабатлар доирасидан келиб чиқадиган аниқ масалаларни амалиётда улар томонидан олинган билим ва оила ҳуқуқи нормалари билан ҳал қила олиш кўникмаларини шакллантириш лозим.

Фан бўйича талабаларнинг билимига ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар қуйидагиларда акс этмоғи лозим.

Магистр

-Исломда оила ҳуқуқи предмети ва услублари ҳақида;

-Ислом ҳуқуқида оилавий муносабатлар ҳақидаги нормалар мазмуни ва аҳамияти ҳақида

тасаввурга эга бўлиши керак.

-Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигининг асосий тушунчаси ва мезонларини;

-фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини қўриқлаш масалалари бўйича ислом ҳуқуқида мавжуд бўлган оила муносабатлар ҳақидаги нормалар мазмунини;

-ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича ишлаш жараёнида

Исломда оила ҳуқуқи нормаларини

билиши ва қўллай олиши керак.

-суд амалиёти материалларидан олинган аниқ ҳаётий вазиятларни ҳал қилиш;

-касбий фаолият соҳасига тааллуқли бўлган оила ҳуқуқи меъёрлари ва аниқ ахборотларни тўплай олиши

-касбий фаолиятнинг объекти ҳисобланган оила ҳуқуқий меъёрлар ва ҳуқуқий муносабатларни таҳлил қилиши;

-оилавий-ҳуқуқий характердаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва белгилаш;

-юримдик жавобгарлик чораларини белгилаш;

-бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг зарурий чораларини ишлаб чиқиш юзасидан кўникмаларга эга бўлиши керак.

Мазкур фанни ўрганиш, ўқитишнинг анъанавий ва илғор услубларини, жумладан, экспресс сўровлар, тест сўровлари, дастурий ўқитиш, давра суҳбатларини ўтказиш, коллоквиумлар, муаммоли ўқитиш, техник воситаларни қўллаш, юридик клиника ва бошқа услуллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

1-МАВЗУ. ИСЛОМ ДИНИДА ОИЛА ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Республикамиз мустақиликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Республикамиз Конституциясининг 63 моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деб тасдиқланган. Оилалар тинч-тотув яшашса, жамиятга келтирадиган ижобий ютуқлар кўпаяди, фарзандлар яхши тарбия олади. Оилага эса ғамхўрлик қилиш ва унга ҳар тарафлама моддий ёрдам бериш, инсонпарвар демократик давлатнинг муҳим вазифасидан биридир.

Республикамиз Президенти оиланинг жамиятдаги ўрнига баҳо бериб шундай дейдилар: «Оила-жамиятнинг негизи, Бизнинг давлатимиз ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳроқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. «Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшнилари омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир»¹.

Талабалар бу мавзуда малакага эга бўлишлари учун аввалом бор оилавий тушунчалардан келиб чиқадиган диний, маънавий, ҳуқуқий ва ахлоқ нормаларини, жамиятни барқарорлаштириш ва шахс ҳаётини муваффақиятли кечишидаги оила ҳуқуқининг мақсади ва унинг вазифаларини яхши тушинишлари лозим. Шу нуқтаи назардан талабалар оила ҳуқуқи тушунчаси, унинг жамият олдидидаги вазифалари Оилавий муносабатларнинг ривожланиш тарихи ҳақида кўникма ҳосил қилишлари керак.

Маълумки оилавий муносабатларга шарқда ўтмишдан бошлаб улкан аҳамият берилиб келган.

¹ И.А.Каримов, Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, «Ўзбекистон», 1993, 47-бет.

Патриархал оила Марказий Осиё халқларида оиланинг энг дастлабки тарихий шакли ҳисобланган. Бу оила айнаи замонда жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш жамоаси ҳам бўлган. Шунинг учун оилавий муносабатларга, ҳар бир оила аъзоларининг хатти-харакатларига алоҳида эътибор берилган. Марказий Осиёда патриархал оила эрамиздан олдинги биринчи минг йилликларда вужудга келган. Аста-секин ўша даврларда кичик-кичик оилалар вужудга кела бошлаган. Кичик оилалар вужудга келиши билан никоҳнинг шарт-шароитлари ҳам ўзгариб борган.

НИКОҲ – бу эркак билан аёл ўртасидаги муайян иттифоқ ва бу иттифокнинг жамият, давлат томонидан тан олиниши ва маъқулланишининг тарихий шаклидир.

Жамият никоҳ воситаси билан эркак ва аёл ўртасидаги табиий муносабатларни тартибга солиб туради, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар орасида ахлоқий, ҳуқуқий мажбуриятлар ўрнатади.

Никоҳ (арабча - кўшилиш) сўзи ўзбек тилига араблардан кириб келган. Кўшилиш маъносига шарҳ берадиган бўлсак, никоҳ натижасида оилалар ўртасида қариндошликлар ўрнатилади. Оила аъзолари тўлдирилиб борилади. Бунга биринчидан, янги оилаларда фарзандлар туғилиши бўлса, иккинчидан, никоҳ сабабли қариндошлик вужудга келади. Қуда-андалар ҳам бир-бирларига яқин инсонлар бўлиб қолади.

Бизнинг юртимизда азалдан оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор берилиб келган.

Марказий Осиё халқларининг машҳур дostonлари – «Ўғузнома», «Алпомиш» ва «Манас»ларда никоҳ билан боғлиқ одатлар ўз ифодасини топган.

Олавий муносабатларнинг минтақадаги ривожланиш илдизларини таҳлил қилиш натижасида талабалар ислом ҳуқуқи ва одат нормаларидаги оила ва никоҳ масалаларини қиёслаш, илмий таҳлил қилиш малакасини ҳосил қилишлари керак. Қиёсий таҳлил натижасида оила ҳуқуқининг мазмун-моҳиятини ўзлаштириб, ушбу фаннинг бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги тутган ўрнини ҳуқуқий жиҳатдан боғлаш талабаларда амалий кўникма ҳосил қилдиришга ёрдам беради.

Оила ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ соҳалари билан чамбарчас боғлиқлигини жуда кўплаб асосларга эга эканлигини талабаларга тушунтириш лозим. Чунки оиланинг ҳар бир аъзоси жамиятимизнинг

барча соҳаларида меҳнат қилади. Оилада фарзанд тарбияланади, жамиятга керакли шахс бўлиб етилишида оиланинг ўрни жуда каттадир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани оила ҳуқуқининг умумий тушунчасини, мақсадини изоҳлаб беради. Конституциявий ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари, бурчлари, уларнинг кафолати масалаларини, оила давлат ҳимоясида эканлигини, ота-оналар ва фарзандларнинг ҳуқуқий муносабатларининг асосини тасдиқлаб беради.

Меҳнат ҳуқуқи оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, кўп болалик оилаларга ёрдам бериш, вояга етмаганларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалаларини ёритишда оила ҳуқуқи, оила муносабатларидан келиб чиққан ҳолда иш тутади.

Маъмурий ҳуқуқда ҳам маъмурий тартиб бузиш, маъмурий жавобгарликка тортиш шахсларга, оила аъзоларига нисбатан қўлланади. Демак оилада тарбия масаласи, қонунга риоя қилиш, қонун доирасида иш тутуш масалаларига эътибор беришни талаб қилади.

Жиноят ҳуқуқида оиладаги тарбияга боғлиқ муҳим масала ўз ифодасининг натижасини билдиради. Жиноятчи бизнинг жамиятимизда нега вужудга келади? Қайси шароитда, қандай оилада у шаклланади, тарбияланган, деган саволларнинг ечимини топиш учун оила, ундаги муҳит ўз ижобий ёки салбий ўрнини кўрсатади.

Юқоридаги алоқадорликларни таҳлил қила олган келажакдаги мутахассис - ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича ишлаш жараёнида оилавий-ҳуқуқий характердаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва белгилаш, исломда оила ҳуқуқи нормаларини билиши ва қўллай олиши керак бўлади.

Шубҳасиз, жамият тараққиётининг барча асосий қонуниятлари ҳуқуқ ҳамда ижтимоий ҳаётнинг тузилиши орқали, оилани ташкил қилиш ва унга муносабат никоҳ, ажралиш, эр-хотинлик, ота-она ва болалик, улар ўртасидаги муносабат ҳамда бошқа ҳаётий масалалар бўйича аниқ белгилаб қўйилган қоидаларда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ифода этилганидек, дин давлатдан ажратилган. Бироқ дин жамиятдан ажратилган эмас. Жамиятда содир бўлаётган жараёнларда диннинг роли ва аҳамияти ошиб бормоқда, чунки, дин халқ табиатини пок асрашда, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ўрнатишда катта хизмат қилади. Маълумки, оила жамиятнинг табиий асосий бўғини сифатида амалдаги қонунлар, одат ва диний қоидалар билан тартибга солинади.

Талабалар бу мавзуда ислом ҳуқуқи нормаларида диний, маънавий, ҳуқуқий ва ахлоқ нормалари, кишиларнинг оила, жамоат жойларидаги юриш-туриш қоидалари, оила ҳаётининг асосий тамоиллари, оила-никоҳ муносабатлари, эр-хотин, ота-она билан болалар ҳамда қариндошлар ўртасидаги муносабат, бола тарбияси ва бошқа соҳаларда оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилганлигини яхши тушинишлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси 2-моддасига биноан Оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган барча ҳуқуқларни эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўз хоҳишлари билан тасарруф этадилар. Аммо уларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ҳамда ўз бурчларини бажаришлари оиланинг бошқа аъзоларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак. Шунингдек, оилавий муносабатларда аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги Республика Конституциясининг 46-моддасида белгиланган хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланган.

Мавзу ўргатилиши жараёнида шу нарсага асосий урғуни бериш лозимки, ислом ҳуқуқида никоҳ муқаддас ва оила бузилмас деб эътироф этилган ҳамда эркак билан аёл ўртасидаги муносабатнинг муқаддаслиги ҳимоя қилинган. Шу сабабдан ҳам, ислом ҳуқуқида эркак билан аёлнинг никоҳсиз яшашига йўл қўйилмаган. Бу ҳол одамларнинг никоҳ ва оилага енгилтаклик билан муносабатда бўлишдан қайтарган.

Никоҳ оиланинг асосини ташкил қилгани учун ҳам уни тузиш ҳамма вақт ва ҳар қандай даврда, дин, давлат ва жамият томонидан алоҳида эътиборга молик бўлган ҳамда давлатнинг назоратида бўлиб, муҳофаза қилинган.

Ислом таълимоти Қуръони каримда зикр қилинган, дилнинг таскин топиши, бир-бирига кўнгил кўйиб, меҳр-шафқатли бўлиш ва солиҳ фарзандлар тарбиялашдек олийжаноб ғоялар рўёбга чиқиши учун никоҳ шартномаси - оиланинг давомли ва абадий бўлишини хоҳлайди.

Назорат саволлари:

1. Оила ҳуқуқи тушунчаси, мақсад ва вазифаси
2. Оиланинг ривожланиш тарихи
3. Оила ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳалардаги ўрни
4. Ислом динида оила тушунчаси
5. Оиланинг жамиятдаги аҳамияти
6. Оиланинг асосий вазифалари

2-МАВЗУ. ИСЛОМ ОИЛА ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИ

Ислом ҳуқуқи нормаларида оилавий муносабатларни тартибга солувчи классик ва ҳуқуқий манбалар

Ислом оила ҳуқуқининг асосий мақсади жамиятда соғлом муҳитни яратиш, оила аъзоларининг фаровон, ўзаро-иноклик асосида яшай олишларига имкон яратишдир. Шу мақсадда ислом оила ҳуқуқининг барча манбаларида оиланинг алоҳида ўрнига эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин.

Қуръони каримда оилавий муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг етарлича баён қилинганлиги учун магистрантлар мазкур нормаларни яхши билишлари лозим. Чунки дарсларда Қуръон нормалари ҳақида эмас, фақат Қуръон ҳақида кўпроқ гапирилади.

Сунна – ислом оила ҳуқуқида Қуръондан сўнги манба бўлиб, бунда ватандошларимиз имом Дорамий, Бухорий ва Термизийларнинг «Саҳиҳ» ва «Сунан» китоблари асосида маълумот бериш мақсадга мувофиқ.

Ижмо ҳамда саҳобалар ва тобеинларнинг оила ҳуқуқи борасидаги қарашларини ўргатганда албатта Бурҳониддин Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя» асари асосида маълумот берилиши керак. Чунки охириги даврларда ижмога эътибор камайиб кетган. Шунинг учун «ал-Ҳидоя» асарида бу борада етарлича маълумотдан фойдаланган ҳолда талабларнинг билимларини кучайтириш лозим.

Шу билан бирга ислом оила ҳуқуқининг муҳим манбаларидан бири фикҳий китоблар бўлиб, булар ислом ҳуқуқида оилавий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни жамлаган манбалардир. Бундай манбалардан ватандошларимизнинг кўпгина асарларини келтириш мумкин. Жумладан, Шамсулаимма Сарахсийнинг «ал-Мабсут», Фаҳриддин Қозихоннинг «ал-Фатово», Бурҳониддин Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя», Абулбаракот Насафийнинг «Канз ад-дақоик», Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг «Мухтасар ал-Викоя», Мақсудхўжа ибн Мансурхўжанинг «Мажмаъ ал-мақсуд» асарларини келтириш мумкин.

Ислом оила ҳуқуқини кодекс ёки қонун шаклида жамлаш одати ислом ҳуқуқида мавжуд бўлмаса ҳам, усмонилар империясида 1917 йил қабул қилинган Оила қарорномаси ислом тарихидаги илк оилавий муносабатни тартибга солувчи қонундир. Шу билан бирга

Чор Россияси императорининг буйру ига биноан сенатор граф К.К.Пален бошчилигидаги комиссия Туркистондаги оилавий ва мулкый муносабатлар бўйича шариат нормаларини умумийлаштиришга уринишади. Натижада маҳаллий муфтий ва қозилар кўмагида «Рисолаи Мунтахаб ал-масоил» номли тўпламни чиқазишади. Бу тўплам минтақамизда ислом оила ҳуқуқини кодификация қилишга бўлган илк уринишлар эди.

Умуман олганда талабалар ушбу мавзуну ўзлаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикасида оила қонунчилигининг ривожланиши босқичлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари лозим. Чунки, тарихий ривожланиш жараёнида ўзбек қонунчилиги жуда салмоқли даврни босиб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгач, босқичма-босқич қонун-ҳужжатлар ҳам истиқлол меваси билан суғорила бошланди.

Оилавий муносабатнинг қонун билан ҳимояланиши Республикамиз Конституциясида, Оила Кодексида ва бошқа қонун-ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги қарори билан Республикамизнинг янги Оила кодекси қабул қилинди ва 1998 йил 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилди. Бу кодекс 8 бўлим, 30 боб ва 238 та моддадан иборат.

Оила кодексининг биринчи бўлими умумий қоидаларни ўз ичига олган. Иккинчи бўлими «Никоҳ» деб аталаб, унда никоҳ тузиш тартиби, эр-хотин, қариндошлар, фарзандларнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқлари, мажбуриятлари, никоҳни тугатилиш тартиблари ўз ифодасани топган. Учинчи бобда қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш тартиблари кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси оила тўғрисидаги қонунчилигида илк бор қариндошларнинг ҳуқуқий асослари ушбу кодексда ўз ўрнини эгаллаган.

Тўртинчи бобда ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган. Бешинчи боб оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари белгиланган. Олтинчи бўлимда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари кўрсатилган. Еттинчи бўлимда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этилишининг ҳуқуқий асослари ўз ифодасани топган. Саккизинчи бобда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солиш асослари белгиланган.

Ўзбекистонда оила муносабатларига доир қонунчиликнинг ривожланишига тарихий нуқтаи назардан қаралса, масалан, иттифок даврида қабул қилинган 1978 йилги Конституцияда оила масаласига фақат битта, 51-модда ажратилган эди. Бугунги Конституциямиз алоҳида «Оила» деб номланган XIV бобда тўртта модда оилавий муносабатга бағишланган. 63-моддада «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деб тасдиқланган.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»да оилавий муносабатлар давлатлар зиммасига юклатилган муҳим вазифалардан бири бўлиб, у кенг маънога эга. Бу халқаро ҳужжатда оилани жамиятнинг табиий ва асосий қуйи хужайраси сифатида, унинг дахилсизлигини яхшилаш, болаларга таълим ва тарбия бериш, оналар ва ишга яроқсиз оила аъзолари учун зарур бўлган моддий имтиёзлар туғдириш ва оилани мустаҳкамлаш борасида шунга ўхшаш йўлга қўйиш лозим бўлган муҳим масалалар назарда тутилади.

Талабалар Ресубликада қабул қилинаётган оила ҳуқуқига бағишланган барча қонун-ҳужжатлари асрлар давомида синовдан ўтган миллий ва диний қадриятларимизда ўз ифодасини топган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, унга ватанпарварлик, Ватанига меҳр-муҳаббат туйғусини сингдириш каби илғор анъаналарни ҳисобга олиб ишлаб чиқиляётганлигини таҳлил қила билишлари лозим. Чунки, бу қонун-ҳужжатларнинг ҳаммаси Республикамиздаги оилаларнинг баркамол бўлиши учун хизмат қилади.

Талаба оила қонунчилигининг асосий вазифалари қайси жиҳатларда намоён бўлиши ҳақида кўникмага эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси ва бошқа шу муносабатларни тартибга солувчи қонунларнинг жумладан, ислом ҳуқуқидаги оила нормаларининг асосий мақсади:

- ◆ никоҳдагиларнинг ҳуқуқий ҳолатларини белгилаш,;
- ◆ мулкӣ ва шахсий ҳуқуқларини кўрсатиш; никоҳ шартномасини тузиш йўллариини белгилаш;
- ◆ қон - қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш;
- ◆ алиментлар ва бошқа моддий-маънавий ёрдамларни амалга ошириш масаласини ҳал қилиш;
- ◆ болаларнинг оиладаги ҳуқуқлари ва ота-оналарни моддий таъминлаш тўғрисидаги мажбуриятлар;

- ♦ ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш ва бошқа муҳим қоидалардан иборат.

Оила билан боғлиқ барча ҳуқуқий қоидаларда фуқароларнинг турмушдаги муносабатлари ўз ечимини топиши керак.

Оила тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинадиган муносабатлар оилани мустаҳкамлашдан; оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларининг ҳимоя хилинишини таъминлашдан иборатдир.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳат борки, Ҳар бир фаннинг ўз предмети бўлганидек Исломда оила ҳуқуқи ҳам ўз предметига эга. Ислом ҳуқуқи манбаларни таҳлил қилиш натижасида шуни айтиш мумкинки, ислом оила ҳуқуқига кўра оила тўғрисидаги нормалари никоҳ тузиш, никоҳнинг тугатилиши ва уни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари ва тартибини белгилайди. Оила аъзолари: эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкый муносабатларни, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага олиш каби масалаларни тартибга солади.

Оила аъзолари ўртасида ўзининг юридик табиатига кўра жуда кўп ва ҳар хил муносабатлар вужудга келиши мумкин. Бу муносабатлар маъмурий ҳуқуқий, меҳнат ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, талабалар ислом ҳуқуқидаги фуқаролик ҳуқуқи ва ҳақозо муносабатларни ҳам тўлиқ ўзлаштирган ва таҳлил қила билишлари лозим бўлади.

Чунки, исломда оила ҳуқуқининг предметига қариндошларнинг бир-бирига нисбатан муносабатлари, масалан, куда-андачилик, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам киради. Оила ҳуқуқининг предметига яна оила аъзоларининг иштирок этиши билан вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳам киради. Уларнинг ўртасидаги никоҳ, қариндошлик, ҳомийлик ва васийлик муносабатлари ҳам оила ҳуқуқи билан тартибга солинади.

Умуман олган оила қуришнинг мазмун-моҳиятини ислом ҳуқуқи нуқтаи-назаридан ўрганилганда талабаларга қуйидаги жиҳатларга этибор беришлари маслаҳат берилади:

Ҳуқуқий маънода оила – юридик алоқадир. Оилавий муносабатлардаги юридик характер ҳуқуқий нормалар билан

уларнинг муносабатларини тартибга солиб, ҳуқуқнинг мажбурий қоидалари билан оила аъзоларининг хулқига таъсир этиб, оилани жамият хоҳлаган асосда ривожлантиришга ёрдам беради;

Оилавий - ҳуқуқий муносабатлар давомли ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Бу хусусият ҳуқуқий муносабатнинг мақсадлари билан белгиланади. Никоҳдан мақсад оила қуриш бўлиб, у эр-хотиннинг бутун умри давомида бирга яшашига мўлжалланади. Ота-оналик ҳуқуқий муносабати болаларнинг тарбияси ва таъминотига қаратилади;

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар кўпинча муддатсиз бўлади. Эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳдан ажралиш ҳолатини ҳисобга олмаганда, бир умр давом этади. Айни пайтда шундай оилавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам мавжудки, улар маълум муддат билан чекланади, бироқ белгиланган давргача албатта давом этади. Масалан, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбиялаш мажбуриятлари фарзанд балоғат ёшига тўлгунга қадар давом этади;

Оила жамиятнинг асосий бўғини, у никоҳ ва қон-қаришдошликка асосланиши ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга, шунингдек, жамият ва давлат оилани, оталик, оналик ва болаликни ҳимоя қилади ва оилавий муносабатларга умуминсоний ва миллий қадриятлар жорий этилишини таъминлайди;

Оила инсон учун меҳнат қobiliятини тиклаш ва дам олиш жойи. Шунингдек, оила муҳим тарбиячи ҳамдир. Оилада болалар тарбиясида ота-боболар, момолардан қолган, минг йиллар мобайнида ҳаёт синовларидан ўтган яхши удум, одатлар мавжуд.

Назорат саволлари:

1. Ислом оила ҳуқуқининг манбалари
2. Қуръони карим
3. Сунна
4. Ижмо
5. Саҳобалар қарашлари
6. Фикхий асарлар
7. Қонунлар ва подшоҳлар фармонлари
8. Оила қонунчилигининг ривожланиши
9. Оила қонунчилигининг вазифалари
10. Оила қонунчилигининг предмети ва оиланинг моҳияти

3-МАВЗУ. ОИЛАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

Магистрантлар кўпгина ҳолларда оилавий муносабатни фақат ҳуқуқий ёки соф диний муносабат деган тасаввур билан ўрганишади. Лекин ислом динида оилавий муносабатлар Аллоҳга ибодатдан сўнг иккинчи даражада эътибор бериладиган муносабат бўлиб, ислом ҳуқуқида бундай муносабатлар ҳуқуқий ҳамда ибодат мазмунига эга муносабат дея баҳоланади. Чунки муносабатнинг ўзи ҳуқуқий бўлса ҳам унда ибодат мазмуни борки, Қуръон ва суннада оилавий муносабатга киришга тарғиб қилинган ҳамда бунга савоблар ҳам ваъда қилинган.

Ислом оила ҳуқуқида томонларнинг муомала лаёқатига эга бўлиши шарт қилинади. Бунда муомала лаёқати инсоннинг ақлан соғломлиги эътиборга олиниб, унинг аломати сифатида инсоннинг фарзандли бўла олиш қобилияти билан белгиланади. Агар ушбу табиий белги кўринмаса ёш орқали муомала лаёқати аниқланади. Маълум бўлишича бундай лаёқатга эга бўлиш ёшини белгилашда фақиҳлар энг кам ёш ва энг юқори ёшни белгилашган. Энг кам ёш ўғил болаларда 12, қизларда 9 ёш ҳамда энг юқори ёш эса ҳананфий мазҳабида мутабар фикрга кўра 15 ёш деб белгиланган. Абу Ҳанифа энг юқори ёшни ўғил болаларда 18 ёш қиз болаларда 17 ёш деб айтган. Томонлар ислом ҳуқуқида кўра мазкур энг кам ва энг кўп ёш орасида ҳам никоҳланишига рухсат беради. Шу ўринда магистрантларга ҳананфий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифанинг мазкур қарашини тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Никоҳ бу соф диний ибодат эмас, балки ибодат маъно касб этдирилган ҳуқуқий муносабатдир.

Қизларни ёш никоҳлаш масаласи фикҳ китобларида учраса ҳам бу нодир ҳолатлар бўлган. Бу никоҳдан мақсад асосан унаштириш ёки никоҳлаб эри ёнида қолидирилган. Балоғатга етгандан сўнггина у никоҳ асосида эр-хотин ўртасида яқинлик бўлган. Никоҳ муносабатига кириш ёши борасида, халқ ичида тарқалган балоғат ёшининг қиз болаларда 9 ва ўғил болаларда 12 ёш дея билинганлигидир. Бу балоғат ёшининг энг кам миқдоридир. Аслида фатво бўйича 15 ёш. Лекин Абу Ҳанифа фикрига кўра қиз болаларда 17, ўғил болаларда 18 ёш. Биз ушбу фикрнинг ҳозирги кун учун жуда мос эканлигини инобатга олиб, шу фикрни магистрантларда нотўғри тасаввур бўлмаслиги мақсадида бу масала чуқурроқ тушунтирилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан талабалар оила ва оилавий муосабатларнинг назарий асослари ҳақида дастлабки тасаввурларга эга бўлишлари тавсия этилади.

Оила – бу жуда ҳам мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг мураккаблиги оила тушунчасини қонунда баён қилиш имкониятини бермайди. Чунки оилада вужудга келадиган ҳуқуқий муносабат, оиладаги барча муносабатларни ўзида акс эттиролмайди. Шу сабабдан қонунчиликда оилавий муносабатларнинг фақат оиланинг жамиятдаги вазифасини бажариш учун ҳизмат қиладиган асосий тамойиллари ифода этилган.

Давлат ва жамият оила ҳамда оилавий муносабатларнинг барқарорлигидан манфаатдор. Ҳар бир оиланинг камолоти ва мустақкамлигини жамиятнинг барқарорлигини таъминлайди.

Оила жамиятнинг ўзига хос ижтимоий муассасасидир. Оиланинг бу хусусияти, биринчи навбатда, унинг жамият манфаатлари билан боғликлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида ифодаланadi. Шунинг учун ҳам оиланинг умумий (ижтимоий) ва махсус (юридик) тушунчалари амал қилади.


Ижтимоий маънодаги оила деганда, никоҳга, кон-кариндошликка, болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилишга, умумий ҳаёт, мақсад ўзаро ғамхўрликка асосланган шахслар иттифофи тушунилади.

Оилавий иттифокда шахслар ўртасида ахлоқий, руҳий, жисмоний ва хўжалик-маиший алоқалар содир бўлиб, улар ҳаёт ва мақсадларда умумийликни вужудга келтиради. Оилавий иттифок махсус ва шу билан бирга мураккаб ижтимоий муносабатлардан иборат бўлади.

Одатда, оиланинг вужудга келишига никоҳ асос бўлади. Шунинг учун оилада бола туғилмаган бўлса-да, никоҳ муносабатининг ўзи оилани ташкил этади.

Оиланинг мустақкам бўлиши учун унинг негизи, пойдевори бўлган никоҳ соф ният, икки томоннинг чин муҳаббатига асосланган ихтиёрий хоҳиш розилиги билан эркин тарзда тузилган бўлиши керак.

Ўзининг ижтимоий мазмунига кўра оила, одатда, ўзаро алоқадаги уч ижтимоий гуруҳдан иборат бўлади: 1) Оиланинг асоси сифатида никоҳ; 2) никоҳнинг натижаси сифатида эр-хотин муносабатлари; 3) эр-хотин муносабатларининг оқибати сифатида фарзандлардан ташкил топади.



Ҳуқуқий маънода, оила-ҳуқуқий муносабатдир. Оилавий муносабатлардаги ҳуқуқий характер ҳуқуқий нормалар билан уларнинг муносабатларини тартибга солиди.

Оилавий муносабат деганда, эр билан хотин, ота-она билан болалар ўртасида, шунингдек яқин қариндошлар ўртасидаги муносабатлар тушунилади.

Ушбу нуқтада талабаларимиз Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва уларнинг турлари ҳақида кўникмаган эга булишлари лозим бўлади.

Оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан асосий мақсад оиланинг мустаҳкам бўлишидан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч, ҳурмат ва ҳамжихатлик замирида, барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан иборат.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар давомли ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Бу хусусият ҳуқуқий муносабатнинг мақсадлари билан белгиланади. Никоҳ тузишдан мақсад оила қуриш бўлиб, у эр-хотиннинг бутун умри давомида бирга яшашига мўлжалланади. Ота-оналик ҳуқуқий муносабати болаларнинг тарбияси ва таъминотига қаратилади.

Амалдаги қонунчилик оилавий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий муносабатларнинг махсус тури деб ҳисоблаб, унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилишини кўрсатади. Бозор иктисодиёти муносабатларига асосланган давлатларда оилавий-ҳуқуқий муносабатлар махсус никоҳ-оила қонунлари билан тартибга солинмай, балки фуқаролик қонунлари билан тартибга солинган. Бозор муносабатлари мавжуд бўлган жамиятда оилавий муносабатлар мулкий муносабатлар доирасига киритилиб, фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинган. Бунинг асосий сабаби-мулкий манфаатларнинг шахсий манфаатлардан устун туришидир.

Ислом оилавий-ҳуқуқий муносабатлари ўзининг баъзи бир белгилари билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига ўхшаб кетади. Бироқ бу ўхшашлик фақат ташқи жиҳатдангина ҳолос. Мазмунан оилавий ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ўртасида муҳим фарқлар мавжуд.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосини мулкий муносабатлар ташкил этса, оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосини эса, аксинча, мулкий бўлмаган номулкий шахсий муносабатлар ташкил этади. Шунга мувофиқ фуқаролик ҳуқуқининг ҳамма нормалари, барча институтлари ўзининг

белгиланган мақсади бўйича, аввало, мулкый муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлса, оила ҳуқуқи эса, биринчи навбатда, шахсий муносабатларни тартибга солишга қаратилгандир. Фуқаролик ҳуқуқида мулкый муносабатлар асосан муайян эквивалент баробарида белгиланадиган қиймат, баҳо билан ифодаланадиган хусусиятга эга. Бу белгилар асло оилавий-ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли эмас.

Шу ўринда талабалар ислом ҳуқуқида оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ва объектлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари лозим бўлади.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари фақат фуқаролар ҳисобланади. Бу ҳолат оила ҳуқуқининг фуқаролик ҳуқуқидан фарқини кўрсатади, чунки фуқаролик ҳуқуқининг субъекти фақат фуқароларгина бўлмай, балки юридик шахслар ва давлат ҳам унинг алоҳида субъекти бўлиши мумкин.

Оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида ашё ёки мулкнинг предмети (масалан, эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки доирасига кирувчи ашёлар), ёки пул суммаси (масалан, алимент тўловлари) бўлиши мумкин.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида болалар қатнашиши мумкин эмас. Ўзининг ташки кўриниши бўйича бола объект бўлиб кўринса-да, аммо ҳамма ҳолатда у субъект бўлиб қатнашади. Чунки ҳуқуқий муносабат болаларнинг ҳаёти, ахлоқи, одоби ва тарбиясига қаратилган бўлади.

Назорат саволлари:

1. Оилавий муносабат тушунчаси
2. Оила ҳуқуқида томонларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати
3. Оилавий муносабатларнинг субъект ва объектлари
4. Оилавий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиш асослари
5. Фуқаролик ҳолати далолатномалари

4-МАВЗУ. НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ, ШАРТЛАРИ ВА УНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ

Никоҳни ислом оила ҳуқуқи икки жинсга мансуб томонлар ўртасидаги ўзаро розиликка асосланган битими дея эътироф этади.

Никоҳ тузиш тартиби борасида магистрантлар шунга эътибор беришлари лозимки, никоҳ ҳар доим давлат аҳамиятидаги иш бўлиб келган. Бу иш Мовароуннаҳрдаги давлатларнинг барчаси томонида давлат номидан қозилар никоҳни расмий равишда қайд қилиб боришган. Шўролар ҳукумати даврида қозилар суди бекор қилинганидан сўнг бу иш расмий равишда ЗАГС (ФХДЁ) органларига ўтган. Лекин халқ никоҳни нафақат ҳуқуқий масала, балки ибодат ва диний масала деб ҳозиргача имомларга мурожаат қилишади. Бу сабабали ҳозирги кунда муаммолар чиқмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида фақат Ўзбекистон мусулмонлари идораси ваколат берган шахсларгагина мурожаат қилиш мақсадга мувофиқлиги чуқурроқ, амалий мисоллар билан ўргатилиши лозим.

Никоҳ шартлари масаласида қуйидаги масалаларга тўхталиш лозим:

Биринчидан, аёлларнинг яқин қариндош бўлмаслиги. Яъни ислом оила ҳуқуқида мавоний деб аталувчи масала чуқурроқ ўтилиши лозим. Унда никоҳланиш мумкин бўлмаган ҳолат насаб, қудачилик ва эмиш фактлари асосида вужудга келади. Насаб жиҳатидан олиб қараганда никоҳга олинувчи аёлнинг яқин қариндош бўлмаслиги, эмишганлик жиҳатини олиб қараганда собиқ шўроларнинг насабларни аралаштириб юбориш ҳаракатлари каби қилмишларга чек қўйиш ва бошқалар муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, аёлнинг маҳр ҳуқуқига урғу бериш орқали аёлнинг мавқеъини янада кўтариш мумкин.

Учинчидан, қафоат масаласида насл-насаб, бойлик каби мезонлар борасида магистрантларнинг қарашларини юмшатишга уруниш лозим.

Шу билан бирга ислом ҳуқуқида никоҳнинг ҳалол, ошкора ва ўзаро розилик асосида бўлишига урғу берилиб, розиликни биринчи ўринга олиб чиқади. Шу сабабли агар вояга етмаган қиз валий (яқин)ларидан бошқа киши томонидан никоҳланса, вояга етгач никоҳни даъво йўли билан бекор қилиши мумкин.

Шу билан бирга шартнома тузилган пайтда аёл шариат томонидан уйланиши таъқиқланган (абадий ва вақтинча) аёллардан бирига никоҳланган бўлса ёки тўртдан ортиқ никоҳланган бўлса никоҳ ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади.

Шариат нормаларида мустаҳкамланган никоҳ тузиш тартиби, шартлари ва мажбуриятлари Миллий конунчиликда никоҳ тузиш

тартиби билан қиёсий ўрганилиши албатта талабаларга амалий хулосалар чиқаришларида ижодий натижа беради.

Миллий қонунчилигимиз нормаларида никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифокдир. Никоҳни тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Агар шахс ўз ҳатти-ҳаракатлари оқибатни тушунмайдиган ҳолда (қаттиқ мастлик, руҳий ҳолатининг вақтинча бузилиши) ёки алдов оқибатда никоҳдан ўтган бўлса, бундай никоҳ қонунда белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилади. Никоҳ тузишга мажбур қилиш қонун билан тақиқланади.

Қонунчиликда никоҳ тузишнинг яна бир зарур шарти никоҳланувчиларнинг амалдаги қонунда белгиланган никоҳ ёшига етишидир.

Балоғатга етмаганларнинг никоҳга киришининг олдини олиш, уларнинг соғлигини ҳамоя қилиш мақсадида ҳамда оилани қуриш учун маълум ҳаётий тажриба, жисмоний ва маънавий етуклик талаб қилинишини эътиборга олган ҳолда, қонун никоҳ ёшини эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган.

Узрли сабаблар бўлган, алоҳида ҳолларда никоҳ ёши эркак ва аёлларга бир ёшга камайтирилиши мумкин.

Умуман олганда никоҳ ёши масаласи бўйича жуда кўп фикр-мулоҳазалар ва таклифлар бўлди. Асосан никоҳ ёшини эркаклар учун 20 ёш, аёллар учун қатъий равишда 18 ёш этиб белгилаш тўғрисида таклифлар берилди. Бу таклифларнинг юзага келишига: никоҳланувчиларнинг кўпчилиги физиологик ва жисмоний жиҳатдан тўлиқ ривожланиб етилмаганликлари; Ўғил-қизларнинг айна 17-18 ёшлик даври таълим вақтига тўғри келиши; Шунингдек, 17-18 ёшдагилар оила қуриш учун ҳам тайёр эмаслар, маълум касб-хунар эгаллашлари зарур. Мустақил ҳаёт кечириш учун тайёрланишлари керак; Мутахассисларнинг фикрича, муътадил оналик даври 19 ёшдан бошланади. Биринчи фарзанд онанинг 19-26 ёшга тўлганида туғилса, мақсадга мувофиқдир.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, қонунда белгиланган никоҳ ёши шарият нормалари билан таҳлил қилинса, талабаларни зарур хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш борасидаги малака ва кўникмаларини ҳосил қилишга ўргатади.

Миллий қонунчиликка кўра қуйидаги ҳолатларда никоҳ тузишга йўл қўйилмайди:

1. Никоҳга кирувчиларнинг лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда бўлса;

Ушбу масалада аксарият ҳолларда Қуръони Каримда эркакларга тўрттагача уйланишга рухсат берилган, деган нуқтаи назарлар масаланинг асл моҳиятини тушунтиришда муаммога сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бу масалани шархлашда талабаларни илмий асосланган хулосага эга бўлишлари учун уламоларнинг адолатли назарияларига таянмоқ керак бўлади.

"Нисо" сурасининг учинчи оятида тўрт нафаргача уйланишга рухсат бера туриб, дархол орқасидан "агар улар ўртасида адолат ва тенгликни барқарор қила олмасликдан қурқсангиз, фақат битта хотин билан кифояланинг", дейилади. Яна шу суранинг 129-оятида: "Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар", деб Аллоҳ таолонинг ўзи гувоҳлик беради.

Демак, шариатда кўп хотинликка ҳеч қандай шарт-шароитсиз, тўғридан-тўғри рухсат берилган эмас. Кўп хотинликка қўйилган шартларни бажариш эса ғоят оғир масала. Шунинг учун мамлакатимизда якка никоҳлиликнинг қонун йўли билан қарор топтирилганлиги бежиз эмас.

Республикада ҳар бир фуқаро фақат якка никоҳда бўлиши мумкин. Якка никоҳлилик тамойили жамиятимизда мавжуд бўлган юксак ахлокий қоидалардан келиб чиқади. Бундай қоида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичидаги никоҳ-оила муносабатлари талабларига жавоб беради. Бу қоиданинг бузилиши никоҳни ҳақиқий эмас деб топишдан ташқари, қонунни бузган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

2. Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар (бобо, буви, ота-она, фарзандлар, неvara ва чеваралар) ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

3. Никоҳга кирувчиларнинг лоақал биттаси руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса,

Маълумки, қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатида кўпчилик болалар ногирон бўлиб туғилишади. Шифокар фикрича, яқин қариндошлар: амаки, хола, тоға ва аммавачаларнинг фарзандлари

ўртасидаги никоҳий муносабатлар ҳам салбий оқибатларга олиб келади.

Руҳий касаллиги бўлган шахснинг касаллигини бекитиб, балки никоҳий муносабат натижасида тузалиб кетади деб айрим ота-оналар қонун бузилишга ҳам йўл қўядилар. Натижада никоҳнинг бекор қилиниши, оилада ногирон фарзанд туғилиши каби фожиалар ҳам суд амалиётида учраб туради.

Шариат нормаларида яқин қариндошлар, руҳияти бузилган шахслар ўртасида никоҳ муносабатлари тақиқланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилигида илк бор никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш қонунлаштирилган. Бу қондани қонунга киритишдан мақсад, биринчидан, янги тузилаётган оиланинг ва келажакда туғиладиган фарзандларнинг соғлам бўлишини таъминлаш бўлса, иккинчидан, никоҳга кирувчиларга тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалаларида маслаҳатлар беришдир.

Назорат саволлари:

1. Никоҳ тушунчаси
2. Никоҳ тузиш тартиби
3. Никоҳ тузиш шартлари
4. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари, тартиби ва унинг оқибатлари

5-МАВЗУ. ЭР ВА ХОТИННИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

Ислом ҳуқуқида эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғри ва қонуний (саҳиҳ, нофиз ва лозим) никоҳ оқибатида юзага келади. Магистрантларни никоҳдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тўғри ва қонуний никоҳдан келиб чиқишига урғу бериларкан, уларнинг ислом ҳуқуқи жиҳатидан никоҳ шарномасининг ҳуқуқий жиҳатдан турлари ва уларнинг шартларига эътиборни қаратиш лозим. Шу билан бирга баъзи ҳуқуқ ва мажбуриятлар никоҳ ноқонуний ёки тўғри тузилмаган тақдирда агар эр ва хотин ўртасида яқинлик бўлган ҳолда ҳам юзага келиши мумкинлигини яхши билишлари лозим.

Бундан ташқари ислом ҳуқуқида аёлнинг ўз фамилиясида қолиши кўрсатилади. Чунки аслида Куръони карим номасига кўра

ҳар бир фарзанд ўз отасига нисбат берилиб айтилиши керак. Шу сабабли ҳам уламолар аёлнинг ўз фамилиясида қолишини айтишган.

Оила тарбиясига ота ҳам она ҳам масъул. Лекин ота моддий жиҳатдан оилани таъминласа ва оилага бош бўлса уй ишларини она бошқаради. Шу билан бирга она агар хоҳламаса болани тарбияламасдан эрининг моддий таъминоти асосида бошқа аёл ёки ташкилотда тарбиялатиши ҳам мумкин. Лекин агар онасидан бошқа аёл тарбиясига қарайдиган аёл топилмаса онанинг тарбия билан шуғулланиши мажбурий бўлади.

Аёл ва эркак оилада ва ташқарида эркин касб танлашлари ва меҳнат қилишларига имкон берилади.

Юқорида таъкидланганидек, эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар саҳиҳ никоҳ ақди орқалигина юзага келади. Эр-хотин мажбуриятларининг вужудга келиши учун никоҳ тузиш тўғрисидаги келишув, томонлар ўртасида ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат туғдирмайди.

Талабалар ушбу мавзунини ўзлаштириш жараёнида амалдаги қонунчилик орқали мустақамланган тартибларни шариат нормалари билан қиёслаш малакасини ҳам ҳосил қилишлари даркор. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олингандан бошлаб никоҳ тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади. Оила қурувчиларнинг қонуний никоҳ муносабатларига кириши уларнинг ҳуқуқий ҳолатини ўзгартириб юборади. Эндиликда уларнинг ўртасидаги муносабатлар фақатгина ахлоқий қондалар билан эмас, балки ҳуқуқий қондалар билан ҳам тартибга солинади.

Мавзу ўргатилишида яна бир муҳим жиҳатга магистрлар эътибор қаратишлари, илмий, ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилишлари керак, яъни, шариат нормаларида инсон ҳуқуқларининг, жумладан, эр-хотин муносабатларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглигининг мустақамланиши. Ваҳоланки, ислом таълимоти аёлларнинг жамият ҳаётида ҳар томонлама ҳуқуқларини кафолатлаш билан бир қаторда оилавий муносабатларда ҳам тенг ҳуқуқларга эга бўлишларини, ҳаттоки оилавий муносабатларда бир қадар устунликларга эга эканликларини белгиллаб қўйган. Чунки ислом ақидаларини нотўғри талқин қилувчи баъзи бузғунчи кайфиятдаги оқимларнинг аёл ва оилавий муносабатлардаги қарашлари жамиятда носоғлом фикрнинг

шаклланишига, аёлларнинг оилавий муносабларда дискриминацияга учрашларига сабаб бўлиши мумкин. Ислом ҳуқуқининг классик манбалари билан ишлаш малакасига эга бўлган магистрантлар ушбу мавзудаги қарашларнинг соф илмийлик асосида таҳлил қилиш натижасида оилада эр-хотин тенглигининг, миллий, диний, шарқона хусусиятларидаги ижобий анъаналарни ҳуқуқий нуқтаи-назардан ўргандилар. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида таклиф-мулоҳазаларни ишлаб чиқиш юзасидан кўникма ҳосил қилишлари лозим бўлади.

Миллий қонунчилигимиздаги оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги ва уларнинг тенг мажбуриятга эгалиги тўғрисидаги қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар» деган конституциявий нормадан келиб чиқади.

Қонунчиликка кўра, никоҳ натижасида вужудга келган эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлари шахсий ва мулкийларга бўлинади. Шахсий ҳуқуқлар мулкӣ ҳуқуқлардан фарқ қилиб, иқтисодий мазмунга эга эмас, фуқароларнинг шахсияти билан бевосита боғлиқ ва ундан ажратиб бўлмайди. Бу муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжихатлик, бир-бирига ёрдам бериш асосида қуришни ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъулиятлигини тақозо этади.

Эр-хотин ўртасида қуйидаги шахсий тенгликлар вужудга велади:

1. **Фамилия танлашдаги тенг ҳуқуқлик.**

Никоҳ тузиш вақтида эр ва хотиннинг фамилия танлаши уларнинг оилада тўлиқ тенг ҳуқуқлиги тамойилидан келиб чиқади. Улар ўзаро келишиб эр ёки хотиннинг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлашлари ёки ҳар бири никоҳгача бўлган фамилиясини сақлаб қолишлари мумкин. Бу масала эр ва хотиннинг ҳар бири томонидан иккинчисининг ёки бошқаларнинг тазйиқисиз эркин ҳал қилиниши лозим.

2. **Эр-хотиннинг болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларини ҳал қилишдаги тенгликлари.**

Оилавий турмушнинг барча, жумладан, болалар тарбияси масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қилишлари лозим.

Оилавий ҳаётда эр ва хотиннинг биронтаси иккинчисига нисбатан бирон-бир устун ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин эмас. Улар ўртасидаги тенглик оиладага барча масалаларни биргаликда ҳал қилиш тамайллари билан таъминланади. Улар келишиб, бир-бирларини ҳурмат қилиб, тенг ҳуқуқликларини англаб иш тутушлари оила мустаҳкам бўлишига замин ясайди.

Оиланинг мустаҳкамлиги ва фаровонлиги эр-хотиннинг биргаликдаги ҳаракатига боғлиқ. Эр-хотин биргаликда ҳам моддий, ҳам маънавий ўзаро ёрдам кўрсатиши, бир-бирини қўллаб-қувватлаши лозим. Ўзаро ёрдам улардан бири касаллиги, ногиронлиги, ҳомиладорлиги ва бошқа сабабларга кўра меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганда айниқса сезилади. Вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш оила қонунчилигининг устувор тамойилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Эр-хотин оиланинг моддий таъминланиши билан бир қаторда, оиланинг барча аъзолари, айниқса болаларининг ҳар тарафлама камол топиши, маънавий ва жисмоний соғлом ривожланишлари, улғайишлари тўғрисида қайғуришлари лозим.

Оилада ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашлари тўғрисидаги мажбуриятлар Республикамиз Конституциясининг 64-моддасида ўз ифодасини топган.

3. Эр-хотиннинг машғулот тури, касб ва турар жой танглашдаги тенг ҳуқуқликлари.

Эр-хотин турмушда ўзлари севган, танлаган касбларида ишлаш, машғулотлар билан шуғулланиш ҳуқуқларига эгалар. Оила қонунчилиги эр-хотинга турар жой танглашда ҳам тенг ҳуқуқ беради. Улар эрининг ёки хотинининг уйида ёки келишган ҳолда бошқа жойларда яшаши мумкин. Аслида бу масалалар оила манфаатини ҳисобга олган ҳолда ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида ҳамжихатлик билан бамаслаҳат ҳал қилинса, оила янада мустаҳкам бўлади.

4. Эр ва хотин фарзанд тарбиясида тенг иштирок этишлари.

Оилада фарзанд туғилиши ота-она томонидан улкан қувонч билан кутилади. Хомиладорлик вақтида хотинига ғамхўрлик қилиш, оғирини енгил қилиш, авайлаб-асраш эрининг ва бошқа оила аъзоларининг бурчи бўлмоғи лозим. Фарзанд соғлом туғилишида фақат она эмас балки ота ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Фарзанд туғилганидан сўнг уни боқиш, соғлом шароит таъминлаш эр ва хотиннинг бурчи бўлиб ҳисобланади. Ота-она

боланинг олдида тенг ҳуқуқли жавобгар шахс эканликларини доим билишлари шарт. Соғлом муносабатда тарбия олган, ўсган бола жамиятимизга унумли фойда келтиради.

Талабаларнинг юқорида кўриб ўтилган қонунчилигимиз орақали мустақкамланган эр-хотиннинг оиладаги шахсий ҳуқуқлари борасидаги қондалар шариат нормаларидаги Нисбат, Валоя, Хизона, Меҳнат ҳуқуқи тамоилларини қиёсий ўрганилиши натижасида, қонун ижодкорлиги юзасидан таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқиш салоҳиятини эгаллашларига кўмаклашади.

Назорат саволлари

1. Эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келиши
2. Эр ва хотиннинг фамилияси
3. Болалар тарбияси
4. Эр ва хотиннинг машғулоти тури, касби ва турар жой танлаш ҳуқуқлари
5. Оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги;
6. Эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
7. Никоҳ шартномаси.

6-МАВЗУ. ЭР ВА ХОТИН МОЛ-МУЛКЛАРИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ ТАРТИБИ

Ислом ҳуқуқида ҳам никоҳга бир шартнома сифатда қаралади. Шу сабабли унда томонлар ўзаро келишув асосида шартларни белгилашлари мумкин. Шартномада қўйиладиган шартлар ё шартноманинг тузилишини бирор нарса ёки ҳодисага боғлаган бўлиши мумкин (таълиқӣ), ё унинг бекор бўлишини бирор нарса ёки ҳодисага боғлаши мумкин (инфисоҳӣ), ёинки томонларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш ва бажаришда қўшимча (тақйидӣ) шартлар белгиланган бўлиши мумкин. Ислом ҳуқуқида олдинги икки турдаги шарт, яъни никоҳ шартномасининг тузилиши ёки бекор бўлишини бирор нарса ёки ҳодисага боғлашни таъқиқлайди. Аммо учинчи турдаги шартлар белгиланишига рухсат берилиди. Шу билан бирга шартларнинг нимага қаратилганлигини ислом ҳуқуқи тартибга солмаса ҳам, шариат қонуни ижозат берган соҳадан чиқмаслиги кўрсатилади. Бунда хоҳ мулкӣ, хоҳ шахсий номулкӣ муносабатларга боғлиқ шартларни белгилаш ҳам мумкин. Ҳатта ҳанбалӣ мазҳабига кўра аёл ўзининг устига бошқа аёлга никоҳланмасликни ҳам шарт қилиб қўйиши мумкин.

Никоҳ шартномаси асосан оғзаки тузилиб, ёзма, хат жўнатиш, воситачи юбориш орқали тузиш ҳам мумкин. Бу борада ислом ҳуқуқи кенг имкониятларни очиб беради. Бошқа шартномаларни телефон ёки факс орқали тузилишига рухсат берса ҳам никоҳ шартномасини бу шаклда тузишга рухсат берилмайди. Чунки никоҳ шартномасининг шартларидан бир гувоҳлик бўлиб, телефонда шуртнома тузилганда бу шартни амалга ошириш мушқил.

Никоҳ шартномасида белгиланган шартлар амалга ошмаса у ноқонуний деб белгиланади. Агар шартномадаги шарт шарият томонидан йўл қўйилмаган хатти-ҳаракатга қаратилган бўлса ҳам никоҳ қонуний деб қабул қилинади, лекин шарт эътиборга олинмайди. Масалан никоҳда муайян муддат белгиланса, масалан 2 йил муддатга никоҳ тузилса ҳанафий мазҳабига кўра никоҳ қонуний шарт эса ноқонуний бўлиб, эътиборга олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигига илк бор никоҳ шартномаси тўғрисида қоида қабул қилинган бўлиб, унинг амалдаги ижроси хали тўла ҳаётга тадбиқ этилаётгани кузатилмаяпти. Қонунчилигимизда белгиланган никоҳ шартномаси соф мулккий характерга эгадир.

Никоҳланувчилар ўртасида никоҳ шартномаси никоҳга қадар ҳам, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин, Бу шартномага кўра биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартиби ўзгариши мумкин. Никоҳ шартномасига кўра эр ва хотиннинг биргаликдаги мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд уларнинг ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартиби ўрнатилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Оила кодексида никоҳ шартномасига 29-36-моддалар ажратилган. Уларда никоҳ шартномаси тушунчаси, шартномасини тузиш асослари, никоҳ шартномасининг мазмуни, никоҳ шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш, никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, ҳақ ундиришни эр-хотиннинг мол-мулкига қаратиш, никоҳ шартномаси тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилишда кредиторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва эр-хотин ўртасидаги мулккий-шартномавий муносабатлар баён этилган.

Никоҳ шартномаси тарафлари фақат никоҳга кирувчилар ва никоҳдаги эр-хотиндан иборат бўлиши мумкин. Никоҳ шартномаси нотариал контораларда тузилади.

Оилада эр-хотиннинг умумий мулки, ҳар бирининг алоҳида мулки, шахсий фойдаланишдаги буюмлари, ҳады қилинганда вужудга келган мулклари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига биноан эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятдан, тадбиркорлик фаолиятдан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қилиш қобилятини йўқотганлиги муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзда тўланган суммалари ва бошқалари) киради.

Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъий назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Оила кодексининг 25-моддаси эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулкларининг турларини кўрсатган. Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳады, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Демак, эр ёки хотиндан фақат битимига тегишли бўлган ва у томонидан тасарруф этиладиган мулк хусусий мулк ҳисобланади.

Хусусий мулкка қуйидагилар киради:

1. Эр ёки хотиннинг никоҳга қадар фақат ўзига тегишли бўлган мулки (масалан, уй, уй жиҳозлари, омонат кассасига қўйилган пул, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқалар);
2. Никоҳ давомида ҳады ёки мерос тариқасида олган мулклари;
3. Тўй совғалари, агар улар эр ёки хотиндан бирининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса (қимматбаҳо ва серҳашам буюмлар бундан мустасно);
4. Эр ёки хотин томонидан олинган Давлат мукофотлари ва совғалар (масалан, олтин соат, мотоцикл ва бошқалар);
5. Эр-хотиннинг никоҳ тузишга қадар олган ҳадялари (келиннинг сепи ва ҳақозалар), бу буюмлардан турмушда биргаликда фойдаланишдан қатъий назар, уларнинг биргаликдаги умумий мулки турига кирмайди.

Эр ва хотиннинг шахсий фойдаланадиган мулклари ҳам қонунда кўрсатилган. Қимматбаҳо буюмлар ва зебу-зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойабзал ва бошқа кабилар), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган эр ва хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади.

Шариат нормаларида никоҳ муносабати эр-хотин мол-мулкининг умумийлигига олиб келмайди. Шунингдек, Шариатда никоҳ шартномаси ҳам мулкӣ ҳам шахсий характерга эга бўлган жиҳатлари билан амалдаги қонунчиликдан бир мунча фарқ қилади.

Назорат саволлари

1. Никоҳ шартномаси тушунчаси
2. Никоҳ шартномасини тузиш
3. Никоҳ шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш
4. Никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш

7-МАВЗУ. НИКОҲНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Барча ҳуқуқий тизимларда оилавий муносабатлар борасидаги нормалар ичида никоҳни тугатиш масаласи энг муҳим нуқталардан бири ҳисобланади. Лекин уларда бу масалага ёндашув ҳар хил бўлади. Аслида барча ҳуқуқий тизимларнинг эътибори никоҳни сақлашга ва эр-хотинлик риштасининг адабийлигини таъминлашга қаратилган. Шу сабабли ҳатто христианликда никоҳдан ажралишнинг

таъқиқиланганлигини кўриш мумкин. Ислом ҳуқуқида ҳам аслида никоҳни бекор қилиш таъқиқланган бўлиб, фақат зарурат учунгина бунга рухсат берилган. Шу сабабли магистрантларга оиланинг мустаҳкамлиги ва уни асраш лозимлиги ҳақида фикр берилиб, ажралишнинг фақат охириги зарурат эканлиги ва уни оддий ҳолат деб қабул қилинмаслиги ҳатто унинг Аллоҳ рухсат берган нарсалар ичида унга энг ёқимсиз эканлигини тушинилари лозим.

Ислом ҳуқуқига кўра никоҳ томонлардан бирининг вафоти ёки суд томонидан вафот этган деган ҳукм орқали, эр ташаббуси билан (талок), аёлнинг таклифи билан эрга маҳрдан воз кечиш каби муайян моддий бағишлов орқали ажралиш (хуль ва ибро), томонлар келиша олмаганда ёки аёлнинг талаблари қондирилмаганда суд орқали (фасх, тафриқ) никоҳ тугатилиши мумкин. Охириги ҳолатда аёл етарли асос кўрсатиши лозим бўлади. Масалан, эрнинг оилавий ҳаётга лоиқ эмаслиги, нафақа билан таъминламаслиги, азият етказиши ва бошқалар.

Талок ҳуқуқининг эрга берилиши аёлга зулм ўтказиш ёки уларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш учун эмас, балки эркакларнинг вазминлиги эътиборга олиниб, уларда масъулият ҳиссини кучайтириш мақсад қилинганлиги магистрантларга яхши тушинтирилиши лозим.

Вафот этиш юридик факт бўлиб, эр-хотин ўртасидаги никоҳ муносабатини тугатади. Никоҳни бекор қилиш учун эр-хотиндан биттасининг вафоти тўғрисидаги тиббий муассасасининг ёки ўлганлик фактини исботлайдиган бошқа маълумотлар асос бўлади.

Эр-хотиндан бирини суднинг ҳал қилувчи қарорига асосан вафот этган деб эълон қилиш, ўз ҳуқуқий оқибати бўйича, ўлимга тенглаштирилади.

Баъзи ҳолларда вафот этган, деган шахс тирик бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келган ёки унинг қаерда турганлиги маълум бўлиб қолиш ҳолатларинини эътиборга олиб шариат нормаларида никоҳи бекор қилинган аёлнинг маълум вақт янги никоҳ муносабатига киришини тақиқловчи муддат белгиланади. Эр-хотиннинг бири бедарак йўқолган деб топилган ҳолатларда ҳам худди шу тартиб қўлланилади.

Руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган вазиятда эр-хотиннинг бирининг аризасига биноан улар никоҳдан ажратилади.

Никоҳ ҳар қандай кўринишда бекор қилинса ҳам майян муддат аёл эрнинг уйида бўлиши лозим бўлади. Бунда агар ражъий талоқ бўлса уларнинг ярашувларига имкон берилади, агар ярашиш ниятлари бўлмаса, уч талоқ бўлганда, эри вафот этганда аёлнинг ҳомиладор бўлиб бўлмаганлиги анқлаштирилади. Чунки аёл бошқага тегиб кетган тақдирда туғиладиган боланинг насабини аниқ белгилаш лозим.

Назорат саволлари

1. Ислом ҳуқуқида никоҳни тугатиш асослари
2. Эр ва хотиннинг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб топиш оқибатида никоҳнинг тугатилиши
3. Никоҳдан ажралиш учун асослар
4. Талоқ ва унинг турлари
5. Хуль ва ибро
6. Суд тартибида никоҳдан ажралиш
7. Зиҳор, лиён ва ийло
8. Никоҳдан ажралишнинг ҳуқуқий оқибатлари

8-МАВЗУ. ОТА-ОНАЛАР ВА БОЛАЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Оилавий муносабатлар тартибга солиниши натижасида оилада шахслар ўртасида ўзаро қариндошлик тушунчаси юзага келади. Қариндошлик ришталарининг юзага келиши ҳам албатта томонларга маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни юклайди.

Талабалар қариндошлик тушунчаси ва унинг ҳуқуқий оқибатларини таҳлил қила олишлари учун биринчи галда қариндошлик ришталарини боғловчи асосларни ўзлаштиришлари лозим бўлади.

Бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, невара бобосига, бувисига нисбатан – иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан – учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва хоказо.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳаказо.

Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир.

Икки шахс ўртасида қариндошликнинг узоқ-яқинлигини аниқлашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг ўзини ҳисобга қўшмай туриб, ундан келиб чиққан авлодлар сони ҳисобга олинади.

Ҳисоб аجدодлар томон тўғри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар томон — улардан бошқасига қараб олиб борилади.

Туғишган ака-ука ва опа-сингил қариндошликнинг иккинчи даражасида, тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан қариндошликнинг — учинчи, тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса — тўртинчи даражасида турадилар.

Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир она бошқа ёки аксинча — она бир ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, ўғай ака-укалар ва ўғай опа-сингилларнинг ё отаси, ё онаси бир бўлади. Ёт аралашган қариндошлар худди ёт аралашмаган қариндошликдаги каби ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради (масалан, ўғай ака (ука) ёки ўғай опа (сингил) вафот этгандан сўнг мерос олишда ёки улардан алимент ундиришда).

Қариндошликдан қайин-бўйинчилик ва куда-андачиликни ажрата билиш керак. Қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик кишининг насл-насабига ёки қондошликка асосланмайди. Балки никоҳнинг ёндош оқибати бўлган ижтимоий боғланиш ҳисобланади. Эр-хотиннинг қариндошлари йўқ бўлса, қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик вужудга келмайди. Қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик муносабатлари оила ҳуқуқи орқали бошқарилмайди.

Қариндошлик ришталири орқари вужудга келган шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ мажбуриятларнинг ҳаммаси насл-насаб нуқтаи назаридан мустаҳкамланади. Оилада ота-она ва болаларнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари боланинг насл-насабига қараб белгиланади. Шу сабабли Қуръони қаримда ҳар бир фарзандни ўз отасига нисбат бериш буюрилиб, фарзандликка

олган шахслар ҳам ўз қарамоқларига олган болаларни ўз оталарига нисбат беришлари лоизмлиги уқтирилади.

Насабни белгилаш масаласи ислом ҳуқуқида муҳимлиги шу билан изоҳланадики, оилада хоҳ у янги бўлсин ё қадимий бўлсин унда ҳалол ва ҳаром масалалари ҳар доим диққат марказида бўлиши лозим. Чунки бу масала болаларнинг тарбияси, хулқи ва келажагига таъсир қилади. Насабларнинг аралашиб кетмаслиги, яъни киши ўз маҳрами билан никоҳланмаслиги никоҳнинг асосий шарти. Шу сабабли насабга эътибор берилдики, киши кимлигини ва ўз ўрнини билсин. Ислом ҳуқуқида қонуний никоҳ давомида туғилган, никоҳ бекор қилингандан сўнг энг ками 6 ой ва энг кўпи бир йил муддат ичида туғилган болага отанинг насаби берилди.

Шу билан бирга ислом ҳуқуқи низоли ҳолларда суд орқали насабни белгилашга руҳсат беради.

Агар ўзаро никоҳда бўлмаган шахслар ўртасида бола туғилса ва ота буни эътироф этса болага насаб берилди. Агар ўзаро никоҳда бўлмаган кишилар ўртасида ҳомиладорлик вужудга келиб, кейинчалик никоҳланса ва никоҳдан 6 ой ўтгач бола туғилса болага отанинг насаби берилди. Агар 6 ойдан кам муддат ичида туғилса берилмайди. Лекин ота суд орқали боланинг насабини белгилashi мумкин. Оталикни белгилаш фактини мустаҳкамлаш учун боланинг (болаларнинг) айнан шу отадан туғилганлигини тасдиқлайдиган далиллар бўлиши шарт.

Ислом ҳуқуқи манбаларининг вояга етмаган болаларнинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид нормаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, шариатда ҳам барча ривожланган қонунчилик нормалари каби, вояга етмаган болаларнинг қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлари мустаҳкамланган:

1. Боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи;
2. Ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи;
3. Ҳимояланиш ҳуқуқи;
4. Исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи;

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийси томонидан таъминланади.

Оила қонунчилигига биноан ҳар бир бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онанинг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас деб топилиши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш деганда, боланинг бузилган ҳуқуқини тиклаш, унинг ҳуқуқларини амалга оширишда мавжуд бўлган тўсиқларнинг олдини олиш, бартараф қилиш тушунилади. Мисол учун агар ота-она фарзандларини тўғри тарбия қилмаса, таълим-тарбия беришда қонун билан юклатилган вазифаларини бажармаса, ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилса, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган деб ҳисобланади. Бундай ҳолатлардан хабардор бўлган васий ҳомийлик органлари болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Оила ота-онанинг ҳам ўз фарзандларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд бўлиб, улар ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Ота-оналик ҳуқуқлари болалар балоғат ёшга тўлганларида тугайди.

Ота-онанинг бола олдидagi тенг у у ликлари унга амх рлик илиш, таълим-тарбия бериш, уни парвариш илиш ва .к. иборатдир. Ислom у у ида боланинг олдида з у у ларини бажариш ота-она учун фа ат а ло ий оида б либ олмай, балки фарз даражасидаги у у ва бурчдан биридир. Ота-оналик у у и болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас.

Назорат саволлари

1. Боланинг насл-насабини белгилаш
2. Оталикни суд тартибида белгилаш
3. Ўзарo никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9-МАВЗУ. НАФАҚА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ислом ҳуқуқида нафақа тушунчаси амалдаги нафақа тушунчасидан фарқ қилади. Ислом ҳуқуқидаги нафақа тушунчаси оила ҳуқуқидаги алимент тушунчаси билан синоним бўлса ҳам ундаги давлат томонидан бериладиган нафақани ҳам қамраб олади. Яъни ислом ҳуқуқида нафақа дейилганда ҳам оила ичидаги алимент ва давлат томонидан бериладиган нафақаларни ҳам қамраб олади.

Нафақа дейилганда озик-овқат, турар жой ва кийим кечак тушинилади.

Нафақа ҳуқуқи оилада бир неча шахсларга берилади: аёлга, болаларга, ота-оналарга ва яқин қаридошларга. Аёл ва болаларнинг нафақаси эр ва отанинг мажбурияти, от-онанинг нафақаси фарзандларнинг мажбурияти ва яқин қариндошларнинг нафақаси ўзаро мажбурият ҳисобланади. Нафақа оиланинг таянчи ва унинг давомли бўлишининг асосий омилдир.

Аёлга нафақа беришнинг мажбурийлиги Куръон, сунна ва ижмо орқали белгиланган. Аёлларга нафақа бериш мажбурияти никоҳ тузилгандан бошлаб вужудга келади. Аёл ҳатто никоҳ тугатилган тақдирда ҳам идда муддати давомида нафақа ҳуқуқига эга.

Болаларнинг нафақаси оила ичида ҳатто никоҳ тугатилган тақдирда ҳам аёл ёки бошқа шахс вояга етгунича унинг тарбияси билан машғул бўлганда ота зимасига юклатилади. Агар вояга етган бола фақир ва ишга яроқсиз бўлса ҳам унинг нафақаси ота зиммасида бўлади. Мободо ота камбағал бўлиб, она бой бўлса нафақа мажбурияти онага юклатилади. Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига асосан таъминот ундирилади.

Маълум асос ва шароитлар мавжуд бўлган ҳолларда ота-онадан таъминот олиш ҳуқуқи вояга етган шахсларда ҳам вужудга келади. Унга кўра, вояга етган боланинг меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтожлиги шундай шартлар ҳисобланади.

Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож вояга етган болалар ота-онасидан, агар улар йўқ бўлса, қариндошларидан ўз таъминоти учун маблағ талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Оилада ота-она ва болалар ўртасида юзага келадиган муносабатлар, табиийки, бир-бирига ёрдам кўрсатиш, бир-бирини қўллаб -қувватлаш, ҳамжиҳатлик ҳамда ихтиёрийликка асосланган

бўлишини тақозо этади. Акс ҳолда, қонун чиқарувчи вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ўз ота-онаси тўғрисида ғамхўрлик қилиш, шунингдек, ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз ота-оналарига моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Шариат нормаларида ота-онанинг нафақаси қиз ва ўғил бола бўлишидан қатъий назар барча фарзандларнинг мажбурияти. Ота-она мусулмон бўладими ёки бошқа динда бўладими фарзандлар ота-онасига қарамоқлари лозим.

Агар ота ишга яроқсиз бўлиб, хизматгор ёки аёлга эҳтиёжи бўлса аёл ёки хизматкорнинг нафақаси ҳам фарзандларга юклатлади.

Яқин қариндошлар камбағал бўлишса уларга ҳам нафақа берилади. Лекин бу ерда дин асосий диққат марказига кўтарилади. Агар мусулмон бўлмаган қариндошлар бўлса мусулмон бўлганларига бу мажбурият юклатилмайди. Шу билан бирга қариндошларга нафақа қонуний меросда оладиган улушларига қараб тақсимланади.

Ислом ҳуқуқида жамиятдаги қаровсиз болалар, қариялар ва етимларнинг нафақалари давлатга юклатиладики, бу билан жамиятда фаровонликни таъминлаш, ўзаро адоват ва бошқа иллатларнинг олдини олиш мақсад қилиб қўйилади.

Назорат саволлари

1. Аёлнинг никоҳ пайтида ва никоҳдан сўнг нафақа ҳуқуқи
2. Болаларнинг нафақа ҳуқуқи
3. Ота-онанинг нафақа ҳуқуқлари
4. Қариндошларнинг нафақа ҳуқуқлари
5. Давлат томонидан нафақа бериш

10-МАВЗУ: ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

Маълумки амалдаги қонунчиликка кўра, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун уларни фарзандликка олишга йўл қўйилади. Болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш фарзандликка олишнинг асосий шартидир. «Бола манфаатлари» дейилганда биринчи навбатда, унинг жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиши учун тўлақонли шароит яратиш тушунилади. Фарзандликка олиш мутлақ ихтиёрийдир.

Қуйидаги шахслар фарзандликка олиш ҳуқуқидан маҳрумдир:

1. ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган;
2. қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;
3. асаб касалликлари ёки наркологиya муассасаларида рўйхатда турувчилар;
4. фарзандликка олинганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;
5. қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади.

Фарзандликка олишда куйидагилар устунлик ҳуқуқига эга бўладилар:

1. турар жойидан қатъий назар фарзандликка олинувчининг қариндошлари;
2. фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс;
3. ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар;
4. ўғай ота ва ўғай она;
5. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;
6. Касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатларида фарзандларидан ажралган шахслар.

Агар бола ўн ёшга тўлгунга қадар ҳам фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланиб келаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фарзандликка олиш, гарчи бола ўн ёшга тўлган бўлсада, унинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин. Фарзандликка олишда эр ва хотиннинг розилиги инobatга олинади. Агар бола васийлик ёки ҳомийликда бўлса уни фарзандликка олиш учун васий ва ҳомийсидан розилик олиш лозим. Муомала лаёқатидан чекланмаган ота-онанинг фарзандини фарзандликка олишда уларнинг розилиги талаб қилинади.

Фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси томонидан бериладиган розилик икки хилда бўлиши мумкин:

А) болани маълум шахс томонидан фарзандликка олинишига розилик;

Б) фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик органларига ҳавола қилиб берилган розилик.

Қонун ота-онанинг ўз боласини фарзандликка олинишига розилиги ёзма шаклда баён қилинишини талаб қилади, розилик оддий ёзма шаклдами ёки нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керакми-аниқ кўрсатилмаган.

Ота-онанинг розилигисиз қуйидаги ҳолларда фарзандликка олиш мумкин:

1. ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;
2. ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;
3. ота-она муомала лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;
4. ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Фарзандликка олиш бола манфаатларига жавоб бермай қолгандагина бекор қилиниши мумкин.

Фарзандликка олинган вояга етмаган болаларни тарбиялашлари, уларнинг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари ҳамда уларга таъминот беришлари шарт. Бу мажбуриятларни бажармаслик, бажаришдан бўйин товлаш ёки уларни лозим даражада бажармаслик фарзандликка олишни бекор қилишга асос бўлиши мумкин. Шунингдек, фарзандликка олувчиларнинг ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилишлари, болаларни тарбиялашда уларни менсимаслик, уларнинг инсоний кадр-қимматини камситиб, улар билан шафқатсиз, қўпол муомалада бўлиш, уларни ҳақоратлаш ва эксплуатация қилиш, фарзандликка олувчининг муттасил ичкиликбозликка ёки гиёвандликка мубтало бўлиши, фарзандликка олувчиларнинг ўзларига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажара олмасликлари фарзандликка олишни бекор қилинишига олиб келиши мумкин.

Миллий қонунчилигимизда юқорида кўриб ўтганимиз фарзандликка олиш тартиби билан бирга яна бир институт мавжуд. Бу – Патранат яъни турли сабабларга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларни оилага тарбияга бериш қоидаси.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, шу жумладан тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек, аҳолини

ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилади.

Куйидаги болалар оилага тарбияга берилади:

- етим болалар;
- ота-онаси номаълум бўлган ёки ташлаб кетган болалар;
- ота-онаси, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган, суд тартиби муомалага лаёқатсиз деб топилган, дараксиз йўқолган деб эълон қилинган, озодликдан маҳрум қилинган болалар;
- соғлиғига кўра фарзандларининг тарбияси ва таъминоти билан шахсан шуғулланолмайдиган ота-оналарнинг болалари;
- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тарбия ва даволаниш муассасаларидаги, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва шунга ўхшаш муассасалардаги болалар.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид масалалар диний ва дунёвий қонунчилик соҳаларида ҳамма вақт ҳам қизиқарли ва муаммоли масалаларидан бири бўлиб келган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид масалалар нафақат ҳозирги куннинг балки, бир неча аср авваллар ҳам долзарб масала бўлиб ҳисобланган. Айниқса, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга тарбия бериш, уларни жамиятнинг тўлақонли аъзоси қилиб шакиллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шариатда фарзанд — никоҳдан кўзланган асосий мақсадлардан биридир. Инсонлар ўзларидан шаръий, ҳалол йўл билан насл қолдиришлари учун никоҳ жорий қилинган. Оталарнинг эзгу ишларини давом эттириш, ер юзини обод қилиш учун инсонлар ўзларидан муносиб насл қолдиришлари лозимдир. Шу билан бирга фарзанд инсон учун энг улуғ неъматдир. Ислом дини болаларни ҳимоя қилиш, уларни эътиқодли, имонли, илмли, хунарли, ўз дунёси ва охирати учун савобли ишлар қила биладиган, жамият учун бирор фойда келтира оладиган бўлишлари учун ҳамма чораларни кўрган илоҳий диндир.

Ислом ҳуқуқида қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олиш масаласига ўзгача ёндошилган. Куръони каримда ушбу масалага батафсил шарҳ берилган. Масалан, Аҳзоб сурасининг 4-оятда шундай дейилган: “Аллоҳ бир кишининг ичида икки қалб қилган эмасдир. (Шунингдек), сизлар “зиҳор” қиладиган хотинларингизни ҳам сизларга она қилган эмас ва асранди

болаларингизни ўз болаларингиз қилган эмасдир. Бу сизларнинг оғизларингиздаги сўзингиздир. Аллоҳ эса ҳақиқатни айтур ва Унинг Ўзи йўлга бошлар”. Ушбу оятдан маълум бўладики, боқиб олинган асранди бола ҳеч қачон ўзи туққан болаларидек маҳрам бўла олмаслигини, никоҳ ва мерос масалаларида уларнинг ҳуқуқи бегоналар ҳуқуқи билан баробар бўлиши ҳақида кўрсатмалар берилган. Бу билан бола асраб олиш ва уни тарбия қилиб вояга етказиш савоби инкор этилаётгани йўқ. Масалан, бир оилада асранди ўғил вояга етса, шу оиладан “сингилга” уйланиш мумкин ва аксинча ҳам. Умуман, Куръонда етим болалар ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир бир қатор оятлар мавжуд. Ислом ҳуқуқининг яна бир асосий манбаси суннати набавияда ҳам етим бола асраб олиш уни боқиб тарбия бериш, вояга етгач эса ўғил бола бўлса уйлантириш, агарда қиз бола бўлса, уни узатишнинг савоблари ҳақида тўхтанилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу исломий қонун-қоидалар ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган одабийлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан уйғундир. Лекин ислом таълимоти фарзандликка олиш томонлар ўртасида ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармаслигини таъкидлайди. Бу жиҳати билан ислом ҳуқуқи нормалари амалдаги қонунчилик нормаларидан тубдан фарқ қилади. Талабалар ушбу мавзу юзасидан қонунчилик нормалари ва ислом ҳуқуқи қоидаларининг фарқлари ва афзаллик томонлари ҳақидаги илмий асосланган ҳуқуқий таҳлиллар орқали ижодий кўникмаларни эгаллашлари лозим бўлади.

Ислом ҳуқуқида бола ҳуқуқлари ҳақида гап кетганда энг аввало, боланинг қуйидаги ҳуқуқлари тан олинади:

1) Боланинг эмиш ҳақи.

Аксарият манбаларда ёш болаларнинг нафақаси отанинг зиммасига вожиб ва хотиннинг нафақаси ҳам болаларнинг отаси зиммасида эканлиги баён этилаган. Гарчи аёллар фарзандини ўз ихтиёрлари билан эмизсалар-да, аммо болани эмизадиган бошқа энага топилмаса, туққан онага мажбур қилинади ва отаси эмизгани учун унга ҳақ тўлаши мумкин. Болага бошқа эмизувчи топилмаганда эр ўз аёлини ижарага олиши жоизлиги ҳақида ихтилофлар бор. Фақат узрли бўлса мажбур қилинмайди.

Бу ҳуқуққа икки томонлама эътибор берилади. Биринчидан, буни болага бериладиган нафақа деб, иккинчидан, маълум муддатда бола

хаёти учун зарур озуқа онанинг сути деб эътиборга олинади. Шуларни ҳисобга олиб эмизмоқлик онанинг вазифаси ҳисобланади.

2) Боланинг тарбия олиш ҳаққи

Оилада фарзанд дунёга келиши билан уни авайлаб-асраш ва тарбиялаш зарурати пайдо бўлади. Ислом динида бола тарбиясига жиддий эътибор берилади. Тарбия бир неча босқичларга тақсимланади ва ҳар қайси босқичда унинг тарбияси билан ким машғул бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилади. Бирон-бир босқичда масъул шахс бўлмаётган қолган тақдирда бола тарбиясига ким жавоб бериши, тарбиячига нима сабабдан масъулият юкланиши, ўғил боланинг тарбиясидаги босқичлар, унинг қиз бола тарбиясидан қайси томонлари билан фарқ қилишлари аниқ кўрсатиб ўтилган ва белгилаб берилган.

Фарзанд тарбиясидаги илк давр масъулияти она зиммасига юклатилади. Бу даврни “ал-ҳизона” (яъни “ҳимоя кучоғига олиш”) даври дейилган. Зеро, бу давр-оналарнинг ёрдамсиз бўлмайдиган даврдир. Шунинг учун шариятда бу давр тарбиясини онанинг ҳаққи деб кўрсатилган. Агар она бўлмаса, фарзанд тарбияси билан унга маҳрам бўлган, яъни бола билан ўрталарида никоҳ қуриб бўлмайдиган аёллар шуғулланишга ҳақлидир, деб белгиланган.

Фарзанд тарбиясининг биринчи “ҳимоя кучоғига олиш” даври тугаганидан сўнг, ўғил ёки қизлигига қараб, уни яқин қариндошлари ҳимоясига топширилади. Бу иккинчи босқич ҳисобланади.

Иккинчи даврни фуқаҳолар “Ал-валоя аъла ан-нафс” (“Болани муҳофаза қилиш”) деб атайдилар. Отаси бор бўлса, масъулиятнинг биринчи поғонасида у туради ва бола то балоғатга етгунига қадар унинг ҳимоясида бўлади. Агар бола мажнун ё ақли заиф бўлса, у ҳолда балоғат ёшига етганидан кейин ҳам масъул одам қўли остида бўлади. Агар боланинг отаси бўлмаса, унда ота томонидан ишончли эр қариндоши бола тарбиясида масъул бўлади.

Агар бола ўғил бўлиб, балоғатга етгач ўз ақли, дунёқарашига эга бўлиб иш кўришга қодир, оқил экани маълум бўлса, у вақтда болани муҳофаза қилишдаги қариндошининг масъулияти тугайди. Аммо қиз бола бўлиб, у балоғатга етса ҳам масъулнинг ҳимоясидан чиқмайди.

3) Боланинг нафақа олиш ҳаққи.

Бугун XXI аср бошида ер юзида минглаб болалар ҳали ҳам ўз ҳуқуқларидан маҳрумдирлар. Кўпгина болалар очликдан, касалликдан, гиёҳванд моддалар истеъмол қилишдан ҳалок

бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда болалар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Фарзандликка олиш масаласи нафақт Ўзбекистонда, балки халқаро миқёсда ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади. Давлатлар орасида интегратив алоқалар кучайган сари, барча ҳуқуқ соҳаларида бўлгани сингари оилавий муносабатларда ҳам ўзига хос янги муаммолар келиб чиқиши тайин. Шундай экан, фарзандликка олиш мавзуси ҳам бундан мустасно эмас.

Назорат саволлари

1. Фарзандликка олиш тушунчаси;
2. Фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқга эга бўлиш асослари;
3. Фарзандликка олишни бекор қилиш асослари;
4. Васийлик ва ҳомийликнинг мақсади;
5. Васийлик ва ҳомийлик белгиланадиган шахсларга;
6. Васий ва ҳомий тайинлаш тартиби;
7. Болаларни оилага тарбияга олиш (патронат)
8. Ал-ҳизона ва Ал-валоя тушунчалари

ФАННИНГ ДАСТУРИ

1. Мавзу: Ислом динида оила тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. ислом динида оила маънавияти; ислом дини жамият маънавиятини юксалтиришнинг муҳим омили, оила жамиятининг асосий-таянчи; шаръий никоҳ ахлоқий покликка етакловчи, жамиятнинг маънавий тушкунлик ва ижтимоий фасоддан сақловчи восита; исломда оила ҳуқуқининг мақсад ва вазифалари; оила ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларида тутган ўрни.

2. Мавзу: Ислом оила ҳуқуқининг манбалари, Ўзбекистон Республикасида оила қонунчилиги. Ислом оила ҳуқуқининг манбалари Қуръони карим, Сунна Ижмо; сҳобалар қарашлари; фикҳий асарлар; қонунлар ва подшолар фармонлари; Ўрта Осиёда мавжуд бўлган шариат оила ҳуқуқига оид тарихий ҳужжатлар; оила қонунчилигининг ривожланиши; оила қонунчилигининг вазифалари; оила қонунчилигининг предмети ва оиланинг моҳияти.

3-Мавзу: Оилавий ҳуқуқий муносабатлар. Оилавий муносабат тушунчаси; оила ҳуқуқида томонларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати; оилавий муносабатларнинг субъект ва объектлари; оилавий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиш асослари; фуқаролик ҳолати далолатномалари.

4-Мавзу: Никоҳ тузиш тартиби, шартлари ва уни ҳақиқий эмас деб топиш. Никоҳ тушунчаси. никоҳ тузиш тартиби; никоҳ тузиш шартлари; никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари, тартиби ва унинг оқибатлари; «Ҳидоя» ва бошқа фикҳий манбаларда никоҳнинг таърифи; кафоат-тенглик; ижтимоий тенглик, эътиқод бирлиги; ўзаро қариндошлик муносабатида бўлмаслик; балоғат ёши; никоҳланувчиларнинг оқил ва соғлом бўлишлари; ЎзР ОК да ушбу мавзуга тааллуқли моддалар шарҳи.

5-Мавзу: Эр ва хотиннинг шухсий ҳуқуқ ва эркинликлари. Эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиши; эр ва хотиннинг фамилияси; болалар тарбияси; эр ва хотиннинг машғулот тури, касб ва турар жой танлаш ҳуқуқлари; муштарак ҳуқуқлар, эрнинг хотин олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари; хотиннинг эр

олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари; оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги.

6-Мавзу: Эр-хотин мол-мулкларининг шартномавий тартиби.

Никоҳ шартномаси тушунчаси; никоҳ шартномасини тузиш; никоҳ шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш; никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш; шариатда эр-хотиннинг мулкий муносабатлари; маҳр, нафақа, мерос, аёлнинг мерос олишдаги ҳуқуқлари; эр-хотин умумий мулки тушунчаси; эр хотин ўртасида умумий мулкни бўлиш.

7-Мавзу: Никоҳнинг тугатилиши Ислом ҳуқуқида никоҳни тугатиш асослари; эр ва хотиннинг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб топиш оқибатида никоҳнинг тугатилиши; никоҳдан ажралиш учун асослар; талоқ ва унинг турлари; хуль ва ибро; суд тартибида никоҳдан ажралиш; зиҳор, лиён ва ийло; никоҳдан ажралишнинг ҳуқуқий оқибатлари.

8-Мавзу: Ота-оналар ва болаларнинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Боланинг насл-насабини белгилаш; оталикни суд тартибида белгилаш; ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

9-Мавзу: Нафақа мажбуриятлари. Аёлнинг никоҳ пайтида ва никоҳдан сўнг нафақа ҳуқуқи; болаларнинг нафақа ҳуқуқи; ота-онанинг нафақа ҳуқуқлари; қариндошларнинг нафақа ҳуқуқлари; давлат томонидан нафақа бериш; амалдаги қонунчилик ҳамда ислом ҳуқуқида мавжуд бўлган нафақа (алимент) мажбуриятларининг қиёсий таҳлили.

10-Мавзу: Фарзандликка олиш. Фарзандликка олиш тушунчаси; фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқга эга бўлиш асослари; фарзандликка олишни бекор қилиш асослари; васийлик ва ҳомийликнинг мақсади; фасийлик ва ҳомийлик белгиланадиган шахсларга; болаларни оилага тарбияга олиш (патронат); Ал-ҳизона ва Ал-валоя тушунчалари.

“ИСЛОМДА ОИЛА ҲУҚУҚИ” ФАНИДАН АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ, НАЗОРАТ ИШЛАРИ, МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ.

Семинар машғулотлари мавзуларининг намунавий рўйхати.

- 1. Мавзу: Оилавий ҳуқуқларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари.** томонлар ўртасида оилавий муносабатларнинг келиб чиқиш асослари; оилавий муносабатларни ҳимоя қилиш тартиби; оилавий муносабатлардан келиб чиқадиغان низоларни ҳал қилиш йўллари.
- 2. Мавзу: Оилавий ҳуқуқий муносабатлар.** Оилавий муносабат тушунчаси; оила ҳуқуқида томонларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати; Оилавий муносабатларнинг субъект ва объектлари; Оилавий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиш асослари.
- 3. Мавзу: Никоҳ-оилавий ҳуқуқ нормалари.** Никоҳ олдидан бўладиган ишлар, келин-кўёв танлаш; шариатга мувофиқ кўриб уйланиш, Куръони карим ва Ҳадиси шарифларда уйланишга, шаръий никоҳга муносабат.
